

системы традиционная семейная модель, модернизированная городская экономика. Женщины выполняли важную стабилизирующую функцию в обществе. Их роль включала обеспечение функционирования семьи, воспитание детей, передачу культурных норм. Таким образом, женщины выступали не только как участники экономики, но и как фактор социальной стабильности. В заключение можно отметить, что женщины Коканда в начале XX века являлись важным элементом социально-экономической и культурной системы региона. Их участие охватывало сельское хозяйство, ремесло, торговлю и культурную сферу. Несмотря на ограничения традиционного общества, женщины активно включались в процессы модернизации и способствовали сохранению культурной преемственности. Их роль была системной, а не вспомогательной, что позволяет рассматривать их как значимый фактор исторического развития региона.

Список литературы и источников:

1. Ахмедов Б. А. История Узбекистана. — Ташкент: Фан, 2000. — 320 с.
2. Бартольд В. В. Экономическая история Средней Азии. — Ташкент, 1998. — 260 с.
3. Иванов П. П. История народов Узбекистана. — Ташкент, 1950. — 300 с.
4. Каримов А. Т. Джадидизм и просвещение в Центральной Азии. — Ташкент, 1999. — 240 с.
5. Мирзаев Т. С. История узбекской литературы. — Ташкент, 2002. — 270 с.
6. Назаров Ш. Н. Социальная структура Туркестана в конце XIX – начале XX века. — Ташкент, 2001. — 220 с.
7. Рахимов М. (ред.) История Ферганской долины. — Ташкент, 2003. — 280 с.
8. Сухарева О. А. Этнография народов Центральной Азии. — М.: Наука, 1980. — 350 с.

ЁШЛАР ДУНЁ ҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Холматов Мухсин Мўйдинович.

ҚўқонДУ “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тел: +99890-507-89-58 E-mail: xolmatovm1966@gmail.com,

Ш. Тохиров, ҚДУ талабаси.

Аннотация

Мақолада ёшлар дунё қарашини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган тарихий ҳолислик, ёшларимизни тарихий қадриятларимиз асосида тарбиялаш, уларни турли таъсирлардан сақлаб қолиш масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, тарих фани олдида ҳам бир қатор аниқлик талаб этаётган муаммоларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: тарихий ҳолислик, демократик ислохотлар, тарихий қадрият, ёд ғоялар, тарих институти.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир[1.27-б.]. Ҳозирги тез ўзгариб бораётган дунёда ёшларимизни турли таъсирлардан сақлаб қолиш учун биз аввало ёшларимизни тарихий қадриятларимиз асосида тарбиялашимиз шарт.

Ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу боис Ўзбекистон жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига «муаммо» деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарамоқда. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга

эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб борапти.

Маълумки, тарих фани ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг таҳлилчиси сифатида жамият тараққиётининг муҳим томонларини ўрганиб, тўғри хулосалар чиқариб бормоғи лозим. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини ёритишда республикада кўп ишлар қилинган маълум. Ўттиз йиллик истиқлол даврида тарих фанининг, айниқса Ватан тарихи фанининг қиёфаси бутунлай янгиланди. Буни англаш ва таҳлил қилиш учун унинг ўтган даврдаги ҳолатини, яъни собиқ совет даври тарихшунослиги билан таққослаш, қиёслаш зарур. Истиқлол йилларида тарих фани мустақиллигимиз билан муштаракликда ривож топди.

Тарих ўтмишда рўй берган воқеа–ҳодисаларнинг оддийгина баёни эмас, Ватаннинг шонли кечмиши, жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисида билим берадиган тарбия мактабидир. Дарҳақиқат, тарихий хотира миллатга руҳий – маънавий қувват бахш этадиган мангу маёқдир. Тарихий хотирани тиклаш кўп минг йиллик ўтмишимизни тўлалигича идрок этишга, унинг асл моҳиятини тушуниб етишга ва шу асосда ўзлигимизни англашга ёрдам беради[3.92-б].

Халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида қўйилган вазифалар тарихий билимларга таяниб эришилди. Ўз навбатида, ёш авлодни ўз дунё қарашига эга, маълум мақсад йўлида жамиятга қадам қўяётган ёшлар эканлигини ҳисобга олиб тарихдан сабоқ чиқариб кенг мулоҳаза юритишга ўргатиш масаласи турар экан, тарих фани олдида ҳам бир қатор аниқлик талаб этаётган муаммоларга алоҳида аҳамият қаратиш кераклигини кўрсатади. Ҳозирги кунда совет ҳокимияти йилларида юз берган тарихий жараёнлар, воқеалар тамомила янгидан ўрганилиб, ҳолислик билан ёритилаётган шароитда совет тарихшунослигининг соҳтакорлик, тарихни бузиб талқин қилиш масаласида қанчалик устамонлик билан иш олиб борганлиги маълум бўлмоқда.

Миллий мустақилликка эришишимиз билан Марказий Осиёнинг кўплаб тадқиқотчилари, тарихчи олимлари қатори юртимиз тарихчилари ҳам кенг имкониятларга эга бўлишди ва минтақа халқлари тарихини олдиндан белгилаб берилган ғоявий меъёрларсиз мустақил тарзда ҳолислик асосида ёритиб бериш имкониятига эга бўлдилар[2.28- б].

Тарих фанидаги туб ўзгаришлар 1998 йил июлида биринчи президентимизнинг тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашуви ҳамда шу учрашувдан кейин Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинишига бевосита боғлиқдир[4.15-17-б.]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан институт зиммасига юкланган муҳим вазифалардан яна бири — «Ватанимиз тарихининг долзарб масалаларини ёритувчи даврий тўплам» ва «илмий-оммабоп тарихий рисоалар туркумини нашр этиш» эди. Шунга мувофиқ ташкил этилган даврий тўпламнинг ҳозиргача кўплаб сонлари босмадан чиқди.

Даврий тўпламнинг биринчи китоби «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар)» деб номланади. Тўпламдаги мақолаларнинг мавзу доираси, мазмун миқёси, долзарблик даражаси, илмий янгилиги ва назарий аҳамияти унинг номидаёқ ўзининг тўла-тўқис аксини топган, яъни улар жадидларнинг маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ғоялари, жамитни янгилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, мустақиллик ва тараққиёт учун курашлари тарихи, бу ҳаракатларнинг назарий асослари, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, жадидлар тафаккури, фалсафаси, жадид маърифатпарварлиги, адабиёти, театри, мусиқаси, жадидларнинг Туркистон мухторияти ва халқ ҳаракатлари билан алоқалари, миллий давлатчилик ғоялари каби кўпдан-кўп масалаларга бағишланган. Бу мақолалар янги илмий далиллар ва

маълумотлар, асосланган фикр-хулосаларга бойлиги, назарий жиҳатдан пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади.

Мазкур тўпламнинг бош аҳамияти жадинчиликнинг бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва маърифий ўзгаришлар билан уйғунлигини, жадинчиликнинг XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракати сифатида туғилганини тарихий ҳужжатлар ва фактлар асосида кўрсатишидадир.

«Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар» деб номланган иккинчи тўплам асосан ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихининг муҳим муаммолари тадқиқига бағишланган. Шунингдек, тўпламдан жадинчилик, халқ ҳаракатлари, тасаввуфга бағишланган, мустамлака даврининг адолатсизликлари, мустабид тузумнинг миллий-маънавий сиёсати ва унинг қонуний ҳалокатини илмий-тарихий нуқтаи назардан очиқ берувчи мақолалар ўрин олган.

Учинчи тўплам «Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари» деб аталади. Номидан кўриниб турганидек, тўплам мамлакатимизнинг мустақиллик даври тарихи масалаларини ўрганишга бағишланган. Тўпламдаги мақолалар «Сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши ва демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши» (А. Саидов), «Мамлакатда янги иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий асосининг шаклланиши» (Р. Рўзиев), «Иқтисодий тузумни қайта қуриш. Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли» (А. Ўлмасов, А. Ваҳобов), «Мустақил Ўзбекистондаги аграр ислохотлар: тажрибалар, муаммолар, сабоқлар» (А. Голованов), «Маънавий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши» (Н. Жўраев), «Миллий ғоя ва тарих тимсоллари» (Д. Алимова) каби қатор масалалар тадқиқини ўз ичига олади.

Кўриниб турибдики, даврий тўпламларнинг ҳар бири бир мавзуга бағишланган. Бу муайян мавзу ё масалани имкон қадар кенгроқ ёритиб бериш, у ёки бу муаммо тўғрисида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш

имконини беради. Тўпламларни тайёрлашдаги бу йўл тўғри танланган ва самарали бўлиб, уни изчил давом эттириш керак.

Тарихий ҳолисликнинг қарор топиши Марказий Осиё халқларининг ўз заминида яратилган бой тарихий ва маънавий меросига умумий эгалик қилишда тенг ҳуқуқли ворис эканлигини юзага чиқаради. Тарихий хотираси мустаҳкам, маданий меъросига, кадриятларига, анъаналарига ҳурмати юксак бўлган аҳил, ҳамжиҳат халқларда миллий ўзликни англаш туйғуси ҳам чуқур илдиз отади ва барқарор бўлади. Бинобарин, миллий бирдамлик миллий ўзликни англаш туйғуси заиф бўлган миллат аҳлининг маълум умумиллий мақсад йўлида жипслашиши, бирлашиши ҳам қийин кечади. Бундай ҳолатда миллатнинг ажралишига, бўлинишига мойиллиги кучаяди, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик каби иллатлар авж олади. Миллий ўзликни англаш туйғусини заифлиги эса миллат вакиллари тарихи ва тақдири муштарак бўлган этник бирликка мансуб эканлигини англай олмаслигидан келиб чиқади. Демак айтиш мумкинки, миллий ўзликни англаш, миллий ҳажиҳатлик, бирдамлик тарихий хотирага ҳам таянади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ёшлар тарбиясида, жамиятга кириб бораётган ёшларнинг кенг дунё қарашини шакллантиришда тарихий холисликни қарор топтириш уларнинг Ватанга, ўз халқига бўлган муҳаббатини янада жўштириш ва келажакка ишонч туйғусини оширишда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Алимова Д. “Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигида тарих фани”. “Ўзбекистон тарихи” илмий журнал, 2006 йил 4- сон.
3. Хайитов. 3 Тарихий хотира – ўзликни англаш асоси. Тафаккур журнали. 2010 й. 4– сон.
4. “Ўзбекистон тарихи” илмий журнали, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1999 йил 1- сон.

Qo‘qon xonligi aholisi tarixiy manba va adabiyotlarda

Ruzmatova Shaxodat Abdukaxxarovna

Qo‘qon davlat universiteti, Tarix kafedrası

katta o‘qituvchisi, PhD. tel.: 90 566 88 81

Annotatsiya

Ushbu maqolada Qo‘qon xonligi hududida yashagan aholining etnik tarkibi, joylashuv o‘rni, mashg‘ulotlari to‘g‘risida mahalliy manbalar, arxiv ma‘lumotlari, chet el sayyoh va olimlarning asarlari, Rossiya imperiyasi davrida yozilgan to‘plam va nashrlar, qolaversa, sovet davri va mustaqillik yillarida nashr qilingan adabiyotlarda berilgan ma‘lumotlar keltirilgan. Asosan yirik etnoslar, ularning mamlakat siyosiy, ijtimoiy hayotida tutgan o‘rni, yashash hududlari va turmush tarzi to‘g‘risida ko‘plab ma‘lumotlar uchraydi. O‘zbek urug‘larining ushbu hududga kelib joylashish jarayonlari ham maqolada aks etgan.

Kalit so‘zlar: Muntaxab at-tavorix, Ansob as-salotin va tavorix al-havoqin, Tarixi Turkiston, Mir Izzat Ulla, Filipp Nazarov, Beysembiev T.K., Vohidov Sh.X., Anarbaev A., aymoq, raiyat, toifa, urug‘, elat, qabila, qavm, o‘troq, ko‘chmanchi, qirq, ming, yuz, qo‘ng‘irot, kenagas, qozoq, qoraqalpoq, qirg‘iz, tojik.

Население Кокандского ханства в исторических источниках и литературе

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна

Кокандский государственный университет

Старший преподаватель кафедры Истории, PhD.

Тел.: 90 566 88 81

Аннотация

В данной статье использованы местные источники, архивные сведения, труды иностранных туристов и ученых, сборники и публикации, написанные во времена Российской империи, а также сведения, приведенные в литературе, изданной в советский период и годы независимости, об этническом составе, расположении и занятии населения, проживающего на территории Кокандского ханства. Имеется много информации об основных этнических группах, их роли в политической и общественной жизни страны, местах их проживания и образе жизни. В статье также отражены процессы прихода и расселения узбекских племен в этот регион.